



QR-kodni mobil telefoningizda skaner qiling

gazetasi **21-son**

Gazeta 1979-yildan boshlab chiqib boshlagan [t.me/Oltin\\_vodiyga\\_murojaat](https://t.me/Oltin_vodiyga_murojaat) [dolina\\_zar@umail.uz](mailto:dolina_zar@umail.uz)

## Зарафшон шаҳар ҳокими Назирбек Раҳмановнинг Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимлари куни муносабати билан байрам табриги

### Ҳурматли қурилиш соҳаси ходимлари!

Юртимизда Муҳтарам Президентимиз фармони га мувофиқ август ойининг иккинчи якшанбаси Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимлари куни сифатида нишонланади.

Аввало, мамлакатимизнинг қурилиш соҳасида фидокорона меҳнат қилаётган сиз, азизларни касб байрамингиз билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурматим ва эзгу тилақларимни изҳор этаман.

### Муҳтарам дўстлар!

Жонажон Ўзбекистони- мизнинг янги қиёфасини барпо этиш, Ватанимизнинг юксак тараққиётини таъминлаш, ҳаётимизни янада обод ва фаровон этишда сизлар сингари моҳир қурувчи ва муҳандислар, уста ва меъморлар, лойиҳачи ва пудратчи ташкилотлар вакиллари – минг-минглаб бунёдкор инсонларнинг олижаноб меҳнатини ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайди.

Зарафшон шаҳрида узоқ йиллардан буён кўп қаватли турар жойлар қурилиш ҳажмининг паст-



лиги, шу билан бирга янгидан ташкил этилаётган ишлаб чиқариш корхоналарида ишга қабул қилинувчи ишчи ходимлар талабини инobatга олган ҳолда **13-14-19-кичик туманларда 200 дан ортиқ кўп қаватли уй-жойлар қурилиши олиб борилмоқда. 2000-2018 йиллар оралиғида бор йўғи 8 та кўп қаватли турар жойлар қурилган бўлса, 2018-2024 йил давомида 50 дан зиёд кўп қаватли уйлар қурилиб фойдаланишга топширилишга эришилди.**

Шаҳарсозлик меъёрлари нуқтаи назаридан қарайдиган бўлса, шаҳар барпо этилишида 8 хил кўринишга эга бўлган кўп қаватли турар жойлар қурилган бўлса, бугунги кунда халқаро тажрибаларга таянган ҳолда жаҳон стандартларига жавоб берадиган замонавий меъморий кўринишга эга, кенг ва шинам, энг асосийси аҳолига кўплаб қулайликларни ўзида мужассам этган 9-12 қаватли турар жойлар барпо этилмоқда. Жорий йилда 13- 14- ва 19-кичик туманларида қурилаётган 227

та кўп қаватли уйларнинг муҳандислик коммуникация ишлари билан таъминлаш жадал олиб борилмоқда.

Амалга оширилаётган бундай бунёдкорлик ишлари туфайли Зарафшон нафақат саноат зонаси, олтинтопарлар шаҳарчаси, балки замон билан ҳамнафас, янги қиёфа касб этаётган бунёдкор шаҳарга айланиб бормоқда. Бунини сўнги йилларда шаҳримизда қад ростлаган кўркам ва муҳташам савдо мажмуалари, ресторан ва меҳмонхоналар, болалар

майдончалари, воркаут спорт майдончалари, кўча ва хиёбонлар мисолида аниқ кўриш ва ҳис этиш мумкин.

Шаҳримизда 2025 йилга қадар 200 га яқин кўп қаватли 10 мингдан ортиқ хонадонлар қуриб фойдаланишга топширилади.

Шаҳарда “Sharq qurilish”, “Zarafshan Construction”, “Premium Servis Zarafshon”, “Zarafshon Grand Servis”, “Zarafshon sity qurilish”, “Iskandar Buildings” МЧЖлар томонидан замонавий кўринишда қад ростлаётган янги турар жой бинолари ҳамшаҳарларимизда эртанги кунга бўлган ишонч ҳиссини уйғотмоқда.

Зарафшон шаҳрида қурилиш соҳасининг келажиги, аввало, соҳага замонавий билимга эга, илғор технологияларни пухта ўзлаштирган, ўз касбига содиқ, Ватанимизга фарзандлик меҳри билан яшайдиган ёш мутахассис ва ишчиларни кенг жалб этиш билан бевосита боғлиқдир.

### Ҳурматли қурилиш соҳаси ходимлари!

Агар инсон ўз уйига эга бўлса, ҳаётда катта мақсадлар билан яшайди, оиласида тинчлик, ишида унумдорлик бўлади. Сизларни касб байрамингиз билан яна бир бор чин қалбимдан табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, касбий фаолиятингизда ва шахсий ҳаётингизда ютуқ ва омадлар, оилаларингизга бахту саодат, файзу барака тилайман.

## ЗАРАФШОН ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИ БОШЛИҒИ ОТАБЕК ҲАСАНОВНИНГ ЗАРАФШОН ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИ ИШЧИ-ХОДИМЛАРИ, СОҲА ФИДОЙИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Барчангизни мамлакатимизда кенг нишонланаётган қутлуғ касб байрамингиз – Қурилиш соҳаси ходимлари куни билан чин қалбимдан муборакбод этиб, барчангизга юксак ҳурмат-эҳтиром ва самимий тилақларимни билдираман.

Маълумки, комбинати-

миз равнақи, шаҳримиз фаровонлигини таъминлашда қурилиш соҳа ходимлари – моҳир қурувчи ва меъморлар, механик ва мураккаб техникаларни бошқараётган инсонлар, лойиҳачи ва дизайнерлар, қурилиш саноати вакиллари-нинг меҳнати ҳаммиса муҳим ўрин эгаллаб кела-

ди.

Бугунги кунда Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси доирасида барча ислохотларимиз марказига инсон қадрини, унинг ҳаётини манфаатларини таъминлаш бош мақсад қилиб қўйилаётгани ҳам бежиз эмас. Ана шундай улуғвор вазифани амалга

оширишда бошқа соҳалар қатори қурилиш соҳаси, унинг улкан имкониятлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Соҳада олиб борилаётган тизимли ислохотлар натижасида аҳоли пунктларини қуришга комплекс ёндашув, уй-жой, турли бино ва иншоотлар билан бирга ижтимоий инфрату-

зилма объектлари, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, таълим, тиббиёт ва маданият муассасалари, истироҳат боғлари ва хиёбонлар, фавворалар, болалар майдончалари ва спорт масканлари бунёд этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.





## ЗАРАФШОН ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИ БОШЛИҒИ ОТАБЕК ҲАСАНОВНИНГ ЗАРАФШОН ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИ ИШЧИ-ХОДИМЛАРИ, СОҲА ФИДОЙИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ



(Давоми.  
Боши 1-саҳифада.)

Комбинатимиз келажягининг қурилишида, самарали ва узоқни кўзлаган режаларимизнинг ўз вақтидаги рўёбида малакали ҳамда билимдон кадрларимизнинг хизмати бекиёс. Хусусан, инвес-

тиция лойиҳалари доирасида қуриляётган янги заводларимиз, ишчиларимиз учун яратилётган кулай биноларимиз, бир сўз билан айтганда, барча қурилиш-таъмирлаш ишларида Зарафшон қурилиш бошқармаси ишчи-ходимларнинг жонбозлик кўр-

сатишяётгани таҳсинга лойиқдир. Ҳозирги вақтда бошқармаимиз бўлинмаларида юзлаб турли миллатга мансуб малакали ишчилар, муҳандис-техник ходимлар, мутахассислар айнан қурилиш соҳасида бир оила бўлиб меҳнат қилишмоқда.


### Кадрли ҳамкасблар!

Сизларни “Қурилиш соҳаси ходимлари куни” касб байрами билан чин қалбимдан табриклайман. Барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахтсаодат, хонадонларингизга фаровонлик, жонажон Ватанимиз равнақи йўлидаги фидокорона меҳнатларингизда зафарлар тилайман!

Кўлингиз ҳеч қачон дард кўрмасин, меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, азиз бунёдкорлар!

## Ҳаёт йўлларида

## АЁЛНИНГ ЧИН БАХТИ



- Инсоннинг ўзида хоши қизиқиш бўлса, қийинчиликлар у учун муаммо туғдирмайди. Ҳаммаси унинг ўзига боғлиқ дейди, - Дилноза Севдиёровна. Мен бу билан чегараланиб қолмасдан айна пайтда Навоий инновациялар олийгоҳи талабасиман. Аслида илм олиш ҳам бир ибодат. Ана шу ақидага амал қилган ҳолда,

ҳар бир ўтаётган кунимдан унумли фойдаланаман. Болалигимдан илм олишга иштиёқим баланд бўлган. Адабиёт ва шеърятга меҳрим бўлакча. Гоҳида шеърлар қораласам, гоҳида янги-янги кўйлак фасонларининг чизмаларини чизишга ҳаракат қиламан. Мен мана шундай мустақил юртда яшаб, севган касбим билан шуғулланаётганимдан бахтиёрман. Ватанимиз тараққиёти ва комбинатимиз равнақи ҳамда ишлаб чиқариш жараёнларида озгина бўлса ҳам ўзимнинг ҳиссамни қўшяётганимдан фаолият олиб бораётганимдан фахрланаман.

Гулданда нозик жисми билан кран машинисти бўлиб, тонна-тонна юкларни осмону фалакка кўтаришнинг ўзи жасоратдир. Бу жараённи кузатиб турган ҳар бир киши учун ҳайратланарли ҳол. Аммо бу вазифани Дилноза сидқидилдан уддалаб келмоқда. Дилноза бир аёл учун керак бўлган бахтга ортиғи билан эришганлардан. Ёнида уни ҳамиша қўллаб тургучи турмуш ўртоғи, суянса тоғдек икки нафар ўғли бор. Ҳамиша она фарзандлари учун хох у қиз, хох ўғил бўлсин намунадир. Тиниб тинчимас бу аёл ҳам болалари учун ибрат. Аслида инсоннинг тинч ва тотув оиласи, севган касби, жондан азиз фарзандлари ҳар қадамда қўллаб тургучи яқинлари унинг бекаму кўст бахтидир. Ҳа, Дилноза бугун ҳаётдан ана шундай бахтни топа олди. Энг эътиборлиси эса у бу камолотга ўз меҳнати, изланишлари, ҳаракатлари ила эришди.

Азиза ИРИСОВА,  
МКБ мухбири.

## Бугуннинг одамлари

## МЕҲНАТИМДАН ЗАВҚ ТУЯМАН

Ер юзида миллиардлаб инсонлар бўлса ҳар бирининг олами, тақдири, характери турли хил. Ҳаётнинг ҳар бир дақиқасини қадрга етадиган, нафақа ёшида бўлсада ёшлардан ҳам зиёда куч-қувватга эга бўлган, аммо соддалик, ҳокисорлик, беғуборлик бўйича ёш боладек самимий инсон Олимжон ака Аслонов 14 йилдирки ўз бульдозери билан Зарафшон шаҳридаги қум карьеридида “Ғишт ишлаб чиқариш заводи” учун хом-ашё захирасини таъминлаб беради.

Қаҳрамонимиз Олим Аслонов 1961 йил Бухоро вилояти Ғиждувон туманида туғилган. Олим ака болалиқда ҳарбий форма кийишни, ички ишлар ходими сифатида фаолият юритишни ният қилган эди. Кейинчалик отасининг изидан бориб, у техникага меҳр қўя бошлайди.

Дастлаб иш фаолиятини 1982-1991 йиллар Навоий сув хўжалигида бошлаган бўлса, 1991-2013 йилда “Қизилтепа автоўл”, 2013-2016 йилда “Зарафшон овози” МЧЖда бульдозерчи бўлиб фаолият юритган. 2019 йилдан ҳозирги кунга қадар “Zarafshon golden group” компаниясига қарашли Зарафшон шаҳрида жойлашган “Ғишт ишлаб чиқариш заводи”нинг қум ишлаб чиқариш цехи бульдозерчиси сифатида фаолият юритиб келмоқда.

Ўз ишини жуда яхши кўрадиган Олим ака ҳар бир кунидан мамнун.

Турмуш ўртоғи Гулнора Жўрабоева нафақада. Қизи Раиса Аслонова,



Наргиза Аслоноваларни уйли-жойли қилган. Бугун улар Олим ака Аслоновнинг набираларини тарбиялашмоқда. Муҳсин Аслонов эса дадасининг йўлидан юриб “Zarafshon golden group” компаниясига қарашли шаҳримизда жойлашган “Ғишт ишлаб чиқариш заводи”да бульдозер ҳайдовчиси бўлиб фаолият юритиб келмоқда.

- 50 тонналик техникани юритиб, ичимда ғурурни ҳис қиламан, меҳнатимдан завқ туяман. Чунки катта техникани бошқаришнинг ўзи бўлмайди. Бир киши бошқарадиган замонавий бульдозерда бир кунда 160 тоннадан 320 тоннагача қум етказиб бераман. Фарзандларим ҳар доим “етар энди ишланманг” дейишяди. Ҳали менда куч, ғайрат бўлиб туриб, ишламасликка виждоним қийналади. Ҳар йили меҳнатларимиз касб байрамларимизда эътиборсиз қолмайди. Ҳар тақдирланганимда буйим чўққиларга кўтарилади, хурсанд бўламан. Шу меҳнатим ортидан болаларимни ўқитдим, уйли қил-

дим, тўйлар қилдим. Барча фарзандларим оилали, 9 нафар неваранинг бобосиман, оилам тинч, мен эса ана шу ҳаловатда ишга бориб келаман, - дейди самимий табассум билан қаҳрамонимиз.

Устози Луқмон ака Тошматов Олим акага нафақат техниканинг сир-синоатини, балки ҳаётда ҳақиқий инсон бўлиб яшаш сирларини ўргатган. Доимо ишда ютуққа эришиш учун аввало оила тинч бўлишини, оила аъзолари хурсанд бўлсагина инсон чарчамасдан меҳнат қилиш мумкинлигини айнан шу инсондан ўрганди. Бугунги кунда устози Луқмон ака нафақада бўлганлиги учун Олим ака ҳар доим устозидан хабар олиб туради.

“Яхшидан боғ қолади” деган нақлга амал қиладиган Олим ака Аслонов бўш бўлди дегунча ўзи экиб етиштирган дарахтлар парвариши билан банд, ўзи обод қилган кичик ер майдонида, чўл ҳудуди бўлишига қарамасдан ишчилар учун қовун-тарвуз, булғор қалампир, ловия, бодринг парвариши билан шуғулланади. Ҳосилини ҳар доим ҳамкасблари билан баҳам кўради.

Ўта камтар ва мулоим ушбу инсонни Олим бобо дея, барча ходимлар ҳурмат қилишяди, яхши кўришяди. Унинг энг катта орзуси турмуш ўртоғи билан Ҳаж сафарига бориш. Қаҳрамонимизга ана шундай эзгу мақсадларга эришиш насиб қилсин!

Шахноза ШАМС.



Мулоҳаза учун мавзу

# БИЗГА ЗАМОНАВИЙ ҚИЗЛАР КЕРАК(МИ)?



Бугун гендер тенглик замонида йигитларимиз билан бир қаторда қизларимизга ҳам жуда кўплаб имконият ва шароитлар яратиб берилмоқда. Замонамиз талаби қизларингизга илм беринг! Улар миллатни тарбиялайдилар! Биласизми, Сингапурда дипломи бор аёллар турмушга чиқсалар давлатдан катта тўёна, агар фарзанд кўрсалар бошқа ўқимаган аёлларга нисбатан кўпроқ суюнчи пулларини оладилар. Чунки улар мамлакатнинг муваффақияти

авваламбор илми, зиёли аёллар ва оналарга боғлиқлигини тушуниб етган. Тарих кўрсатдики, улар 100 фоиз ҳақ бўлиб чиқди. Ақлли ва илмли аёл, илмсиз, дунёқараши паст аёллардан кўра дунёга, ҳаётга реал кўз билан баҳо бера оларкан. Бундай аёллар замонавий тенденциялар ва ҳаққонийлик билан ўз ҳаётлари ва оилаларининг келажакини қура оладилар. Улар ўз турмуш ўртоқларига, фарзандларига тўғри йўналишларни бера олиш қурбига эга бўлади-

лар. Энг камида бундай аёллар ўз соғлиқларига ва оила соғлиғига катта эътибор бера оладилар. Улар ўз турмуш ўртоқларига келажак истиқболларига олиб борувчи порлоқ йўлларни кўрсата оладилар, керак пайти танқид қилиб, зарур пайтда мақтов билан муваффақиятларга эриштира оладилар.

Илми, ақлли аёллар қорин ғамидан, уйдаги мебель, идиш-товоқ, латта-путта каби майда нарсалардан юқори турадилар. Улар мўлжални

жуда юқори оладилар ва оилани юксакликка олиб чиқиш режаларини туза оладилар. Бундай аёллар ўз эрлари ва фарзандларига китоб тутқаздилар ва илм-фанга йўналтирадилар.

Ҳар қандай буюк эрканинг ортида буюк аёл туради деб бежизга айтилмаган. Интеллекти юқори аёл албатта буюк фарзандларни камолотга эриштирадилар. Отадан қон, жисм ўтсада, ақл, тафаккур кўпроқ онадан ўтади. Шунинг учун илми, иймонли аёлларга уйланиш мақсада мувофиқдир. Интеллектуал ўткир билимга эга, ақл-фаросатли аёллар ўз эрларини йўқотган тарзда ҳам ёки уларнинг аблаҳ бўлиб чиқишидан қатъий назар барибир ўз ҳаёт йўлларини топиб кета оладилар. Чунки бундай аёллар ўз оилаларини иқтисодий-маънавий жиҳатдан кўргон каби ҳимоялаш усулларини топа оладилар. Нима учун интеллектуаллар ўзларига жуда иқтидорли интеллектуал кучли аёлларни танлаганлар. Чунки улар биладилар фақат кучсиз одамлар ўзларидан ҳам кучсизларни танлашларини, улар ўзларига мос ва хос, замон билан ҳамнафас юрвчи жуфтни бежизга танламаганлар. Чунки бундай куч-

ли одамларга фақатгина шунақа кучли аёлларгина илҳом бера оладилар.

Хўш биздачи? Бизда эса “Аёл бахти” номли тренинглар. Аёлларга ёш қизалоқлигидан бўйсунуш, овқат қилиш, тикиш-бичиш, ўз ҳаётини қурбон қилиш йўллари ўргатилади. Тенденциялар қанчалик ўзгармасин, дунё қанчалик тараққиётга қадам қўймасин биздаги қарашлар ҳали ҳам ўтган асрлардаги аҳволда. “Бўлмаса эрсиз қоласан ва тамомсан” принциплари устунлигича қолмоқда. Дунё аёлнинг бўғирсоқ пиширишни билиши ёки билмаслигига эмас, балки унинг тафаккури ва профессионализи-мига ҳайратланади. Ўзингизнинг истеъдодингизни, билимингизни намоён қилишдан, янги ғояларингизни амалга оширишдан ҳеч қачон қўрқманг, эски стереотиплардан баралла воз кечинг. Кир ювиш ва овқат қилишни истаган пайтда ўрганиб олиш мумкин, аммо мияни билимга, тафаккур ва кўникмаларга тўлдиришга кейин кеч бўлиши мумкин, азиз қизлар!

**Гулбаҳор РЎЗИЕВА,  
Зарафшон шаҳар  
Хотин-қизлар бўлими  
оилавий, маънавий  
ахлоқий қадриятларни  
муस्ताҳкамлаш бўйича  
етақчи мутахассис.**

Ёнғин хавфсизлиги

## ПРОФИЛАКТИК ТАДБИРЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Зарафшон шаҳар Фавкуллода вазиятлар бўлими ходимлари томонидан ёнғинлар билан боғлиқ фавкуллода вазиятларнинг олдини олишга қаратилган кўплаб тарғибот тадбирлар ўтказилиб келинмоқда. Жумладан, чоршанба “Фавкуллода вазиятлар ва ёнғинлар профилактикаси куни” доирасида “Иссиқлик манбаи” ДУКнинг Зарафшон филиали ишчи-ходимлари билан учрашув ўтказилди. Тадбирда Республикамиз ва дунёда содир бўлаётган ёнғинлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, республикамиз ҳудудларида содир бўлаётган ёнғинлар, чўмилиш қоидалари, овқатдан ҳамда ис газидан заҳарланиш ҳолатлари содир бўлган фавкуллода ҳодисаларнинг инсон саломатлигига бўлган зарарлари, унинг аянчли оқибатлари мисоллар тариқасида

келтирилиб, тушунтириш ишлари олиб борилди.

Шунингдек, ёнғиндан ва ис газидан огоҳлантирув-



чи тарғибот материаллари тарқатилди. Ҳар бир ўтказилган тарғибот тадбирида фавкуллода ҳолатлар содир бўлганда нималарга эътибор бериш зарурлиги, уни олдини олиш чоралари ҳақида батафсил тушунтиришлар берилди. Тадбир савол-жавобларга бой бўлиб, улар ўзларини қи-

зиқтирган барча саволларга Навоий вилояти “Иссиқлик манбаи” ДУК меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими Фуқаро муҳофазаси бўйича муҳандис Мирзохиддин Абдиев ва Зарафшон шаҳар Фавкуллода вазиятлар бўлими З-Касбийлаштирилган ёнғин қутқарув қисми бошлиғи Феруз Сувановлар томонидан жавоблар олишди.

Шундан сўнг корхона ҳудудида ёнғин ўчириш техникаларининг кўргазмалари

намоиши ҳам ўтказилди.

Бу каби профилактик тадбирлар жойларда давом этмоқда.

**Яҳё ҲАЙДАРОВ,  
Зарафшон шаҳар  
Фавкуллода вазиятлар  
бўлими профилактика  
ва назорат бўлими  
инспектори.**

Адлия бурчаги

## “МАҲАЛЛА ҲУҚУҚШУНОСИ” ЛОЙИҲАСИ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

“Маъмурий ислохотлар доирасида адлия органлари ва муассасаларининг масъулиятини янада ошириш ҳамда ихчам бошқарув тизимини шакллантириш тўғрисида”ги Президент Фармонида мувофиқ, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, қонунчилик ҳужжатларини ижрочиларга етказиш ҳамда уларнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари самарадорлигини ошириш мақсадида: - фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида “Маҳалла ҳуқуқшуноси” лойиҳаси амалга оширилиб, лойиҳа доирасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раисларининг ҳуқуқий билим ва кўникмаларини узлуксиз ошириб боришга қаратилган қисқа муддатли бепул ўқув курслари ташкил этилади;

- мактабларда 2024/2025 ўқув йилидан:

- Адлия вазирлигининг махсус электрон платформаси орқали ҳуқуқ фани ўқитувчиларининг касбий билим ва кўникмаларини узлуксиз ошириб бориш ҳамда уларни методик таъминлаш тизими йўлга қўйилади;

- ўқувчилар ўртасида “Ҳуқуқ билимдони” фан олимпиадаси, ҳуқуқ фани ўқитувчилари ўртасида “Энг яхши ҳуқуқ ўқитувчиси” кўрик-танлови ўтказиб борилади;

- мактаб ўқувчиларининг ҳуқуқий билимларни мустақил ўзлаштиришига қаратилган кўргазмалар, видеороликлар, компьютер ўйинлари ва мобиль иловалар яратилади.

**Ш.ЖУМАЕВ,  
Зарафшон шаҳар  
адлия бўлими ЮХМ  
бош юрисконсульти.**





Темир йўлчилар фаолиятидан

# СОҶА РИВОЖ ТОПМОҚДА



**М**арказий кон бошқармасининг Темир йўл транспорти бошқармаси 1965 йилнинг ёз фаслида Зарафшон шаҳрида “Қизил-Қудуқ” темир йўл станциясида “Янги-Зарафшон” станциясигача темир йўл қурилиши бошланиши санаси билан тарих зарварақларига битилган. 1966 йилда Қизилқум саҳросида олиб борилган темир йўл қурилиш ишлари якунлангач, Темир йўл транспорти цехи ишга туширилди. 1991 йилда эса “Ўзбекистон темир йўллари”дан ишчи поезд, иккита станция парки ва “Янги-Зарафшон” станцияси темир йўл цехи тасарруфига ўтказилгандан сўнг, Темир йўл транспорти бошқармаси ташкил этилди. Шу даврдан бошлаб корхона “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖнинг Марказий кон бошқармаси Темир йўл транспорти бошқармаси номи билан иш юрита бошлади.

Бошқармада бугунги кунда жами 1400 нафар турли миллат вакиллари бир оила бўлиб ишлаб келмоқда. Тепловоз машинисти, станция бўйича навбатчи, йўл монтери, ҳаракатланувчи таркибни таъмирловчи чилангар, электрогазпайвандчи, чилангар-таъмирловчи, сигналлаштириш, марказлаштириш, блоклаш ускуналари электромонтери каби ўз соҳасига сидқидилдан ёндашадиган фидойи ишчи-ҳодимлар куну тун самарали меҳнат қилишмоқда.

Темир йўл транспорти бошқармамиз “Мурунгов” кони билан 2-гидрометаллургия заводини боғлаб турувчи асосий ва муҳим таркибий бўғинлардан бири бўлиб, темир йўлчилар ҳар кун таркибидан олтинга бой 147 минг тоннадан ортиқ маъданни кондан заводгача етказиб беришмоқда. Бундан ташқари, ҳафтанинг беш кун давомида Зарафшон шаҳридан “Бессопан” майдонигача бўлган 35 километрлик масофага турли санат корхоналарида меҳнат қилаётган икки минг нафарга яқин ишчи-хизматчиларни 15 та вагонли йўловчилар поездида ўз вақтида ишга ва ишдан кейин шаҳарга етказиш вазифасини амалга ошири-

моқда. Мазкур юмушлар учун Темир йўл транспорти бошқармаси таркибидан 200 километрдан ортиқ темир йўллар ётқизилган бўлиб, 17 та йўловчи вагонлар, 380 дан ортиқ юк ташувчи вагонлар, 40 га яқин тепловозлар жалб этилган.

Айни кунларда комбинатда 2017-2026 йиллар мобайнида маҳсулот ишлаб чиқаришни 30 фоизга оширишга йўналтирилган дастурлар доирасида саккизта лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш борасидаги



ишлар фаоллик билан олиб борилмоқда. Жумладан, 2018 йилда 2-гидрометаллургия заводининг кенгайиши ҳисобига мавжуд темир йўллар реконструкция қилинган бўлса, умумий қиймати 384,1 миллиард сўмни ташкил этган 47 километр узунликдаги “Турбай-ГМЗ-3” объектларида темир йўл излари қурилиши 2022 йил 19 август кунини бошланиб, тез вақт оралиғида яъни 2023 йилнинг 15 май санасида охириги қурилиш - монтаж ишлари якунига етказилди. Шунингдек, 5-гидрометаллургия заводи учун 49,6 километр узунликдаги “Нурота - Амантой” ва 28 километр узунликдаги “Аджибугут-Джантаур” станцияларида ҳам темир йўл пўлат излари ётқизилди.

Темир йўл транспорти бошқармамиз жорий йилнинг олти ойи давомида 2-гидрометаллургия заводига маъдан етказиб бериш ре-

жасини 103,4 фоизга, 5-гидрометаллургия заводига етказиб бериш режасини 146,5 фоизга, қўшимча юкларни ташиш режасини 102,5 фоизга бажарди. Янада аниқроқ айтадиган бўлсам, 193,1 километр масофадаги темир йўлларда 30,1



миллион тоннага яқин маъдан ва турли хўжалик маҳсулотлари та-

юзасидан белгиланган давлат буюртмаси ҳар ойда шараф билан бажарилаётганлигидан фахрлансак арзийди.

Сўнги икки йилда темир йўллар қуриш, мавжуд линияларни реконструкция қилиш, юк ҳамда йўловчи ташиш транспортини модернизация қилиш бўйича қатор лойиҳалар амалга оширилди. Бунда йўл хизмати бошлиғи Содиқ Исламов, капитал қурилиш участкаси бошлиғи Акмал Амруллаевлар раҳбарлиги остида


ишчи ходимлар ёзнинг жазирама иссиқларида товони куйса ҳам, қишнинг қаҳратон совуқ кунларида аёвсиз бўрон шамоллари қум барханларини кўчириб, кўзларни очир-ишга қўймаса ҳам ўз зиммасига юклатилган вазифаларни шараф билан адо этиб келмоқдалар.

Бошқармамизга ҳар йили ёш мутахассис кадрлар йўлланма асосида ишга қабул қилинмоқда. Улар Тошкент давлат транспорт университети ва Навоий давлат кончилиги ва технологиялар университети талабаларидир. Бизда устоз-шоғирд аънанаси йўлга қўйилган бўлиб, ёш кадрларга касб сир-асрорларини ўргатиб уларнинг малакаларини ошириб боришади.

Мамлакатимизда ҳар йили август ойининг биринчи якшанба кунини “Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти ходимлари кунини” сифатида кенг нишонланиб келинади. Байрам арафасида Темир йўл транспорти бошқармамизнинг “Мурунгов” станциясида поездлар ҳаракатини бошқариш системасини тўлиқ компьютерлар ёрдамида бошқариш тизимига ўтказиш ишлари якунланиб, ишга туширилади. Бу эса ўз навбатида барчамизга энгиллик яратиб беради. Комбинатимизда фаолият олиб бораётган темир йўл

транспорти ходимларининг кейинги фаолиятига омад ва зафарлар тилаб қоламиз.

**Султонмурод МАНСУРОВ,**  
Темир йўл транспорти бошқармаси бош муҳандиси.



лийлаштириш дастури бўйича вагонларни хизмат муддати узайтирилди. Натижада 2024 йилда 6 та 2ВС-105 русумли ағдаргичли вагонларни хизмат муддати узайтирилди. Айни дамда бошқармада асосий маҳсулот ишлаб чиқариш





ҲАЁТ ИПИНИНГ УЧИ ХУДОНИНГ ҚЎЛИДА ЭКАН,  
НИМА УЧУН БУ ҲАЁТНИ УНГА  
ИШОНМАСЛИК КЕРАК

5 № 21  
(3598)  
2024-yil  
10-avgust

	Карвон-боши	Кўзой-накли илон					Уилл ... (Голливуд актёри)	Қарсак	Ками йўқ, тўлиқ	...-қарши	Соч ўрими	
	Ёлгончи, мунофиқ	Суянчиқсиз стул	Телефон ихтиро-чиси	... Муллахонов ("Шайтанат", "Ота")							Давлат, Африка (Бамако)	
			Соғ-..., соғ-омон	Узун стволли артиллерия куроли		Узун думли тўтикуш		Сувдан ўтказиб қўйиш мосламаси				
	Керак, даркор, лозим	Қўлбола вино						"ЎздЭ-Уавто" шахри				
	Илоҳи шундай бўлсин			Қип-қизил дона-ли мева		Япония "Венецияси"	Шол	Қир, тепалик				
			Сара	Ҳайитдан олдинги кун				... Яшин (драма-тург)	Ҳинд гимнаст-икаси			
Давлат, Фар. Африка (Акра)	Аёллар-га му-рожаат	АҚШ ва Канада-даги шаршара				Радио-актив унсур				Пайғам-бар куёви	Бандар-гоҳ	Кумуш-биби лақаби
			Кир ювиш кукуни	Набий-лар, пайғам-барлар					Булғор сигаре-таси			
Алюми-нийли ромлар фирмаси				... Порт-ман (Гол-ливуд ак-трисаси)		Кўмак, мадад		... Юсу-пова (актриса)				Аёл қа-риндош
Шот-ланд юбкаси							Луи ... (француз ёзувчи-си)	Қадим, тарих, мозий				
Астро-номия				Ўйин-кулги кечаси				Илтифот, марҳа-мат	Жаҳл, газаб, иддао	"...май саккиз дема"		
	"... ошиқлигим айтсам" (Машраб)				Ёрилган, дарз кетган	Кичкина сан-дикча					Усти ёпиқ бозор	Икки киши суҳбати
	"... ола кел" (уф-атлар гапи)	Бас, ...ингни бузма!	Кассиус ... (бок-счи Али)				Герберт ... ("Кўринмас одам")		... Давле-това (хо-нанда)			
			Будда руҳо-нийси	Маст-...		Қадимги Спарта деҳқони				"Эр-хотин уриши ... рўмол ку-риши"		"... бир жойда кўкара-ди"
Буюк ... йўли	Ишқий қизга-ниш					Икки томонга ажраган	"...сиз-нинг ҳа-диги чўпдан"	Аро	Оллоҳга бе... шукур			
			...-Ғо-вур, тўполон	Мирзака-римбой жияни					Мақка шаҳри турган томон	Оқ-қора		
	Тиниш белгиси				Мол-дунёга ҳирс	"Сен ... эмас-сан"		Тан ол-маслик, рад				
Оғир ат-летика спорти анжومي	Эркак от	Қош жил-васи, ноз-ка-рашма	Италия футбол клуби					Денгиз қисқич-бақаси	Темир-чи ас-боби			
				Икки ўт ораси	Тангри ...					Америка-даги думсиз бақа	... Кэм-пбелл (супер-модел)	
	Ғажим, попук	Асос, фактор			"...нинг ёғини ялаган" (айёр)		Филлар-нинг қадимий "қариндоши"					
			Шон-...	"Қирол шер" образи				Бода ёки ба-ҳор ойи	...-ғусса, қайғу, андуҳ			Сув ши-милган
	Бўйсун-мас от			Кўрса-тиш ол-моши		Ёзма иш тури						
	Олим-пиада-1996	Янги униб-чиққан ўт	Уруғи топил-мас қуш			Совға, тортиқ		Турна тури				
					Кичик халқ (Россия)				Араб ҳарфи			



К Дню строителей Узбекистана

# ФЛАГМАН СТРОИТЕЛЬНОЙ ИНДУСТРИИ

Одной из самых уважаемых, почитаемых нашим народом профессий с древних времён считается профессия строителей. Их руками возведены сотни и тысячи сооружений самого разного назначения и направления от древних памятников истории до современных промышленных предприятий, культурно-спортивных, социально-бытовых, жилых и других сооружений. Среди них такие гиганты промышленного производства, как Навоийский горно-металлургический комбинат с его многочисленными подразделениями.

Зарафшанское управление строительства является одним из ведущих подразделений НГМК. Ему отведена основная, важная задача – строительство и монтаж новых, современных производств, модернизация, техническое и технологическое перевооружение предприятий комбината.

Наверняка, нет такого объекта НГМК, где бы ни была внесена посильная лепта зарафшанских строителей. Это и на высоком профессиональном уровне возведённые

здания и сооружения всех гидрометаллургических заводов НГМК, крупных промышленных, производ-



ственных предприятий, организаций и учреждений, школ, больниц, культурных центров, стадионов, санаторий и профилакторий, детских оздоровительных лагерей, тысячи красивых жилых домов по всей нашей многонациональной республике и многие другие.

Зарафшанское управление строительства создано в далёком 1965 году и по праву является флагманом строительной индустрии Узбекистана.

Сегодня в составе ЗУС эффективно и плодотворно функционируют СМУ «Зарафшон» и «Навоий», монтажно-строительный

трест «Саноатэлектромонтаж», автопредприятие №4, завод железобетонных изделий и другие под-

разделения.

Трудовой коллектив ЗУСа составляет 2472 работника, из которых 211 руководящего состава, 178 ИТРовцев и 2083 рабочих. Среди них очень и много ветеранов ЗУСа, опытных, высококвалифицированных специалистов, истинных мастеров своего дела, пользующихся заслуженным уважением, а также награждённых нагрудными знаками «Горняцкая слава», «Ветеранов НГМК», отмеченных государственными наградами, хочется с уважением и благодарностью отметить сегодня таких работников ЗУСа, как кавалеры ордена и

«Дўстлик» Альбина Погоская ордена «Фидокорона хизматлари учун» Ф.Кулдашев, медали «Шухрат» Хафиза Амуруллаева, Уйгуна Рахмонова, заслуженный строитель Узбекистана Али Амонович Эшонкулов, обладатели нагрудных знаков «Горняцкая слава» всех 3-х степеней «Ветеран НГМК» Татьяна Кириенко и Садирдин Буриев, Тоштемир Азимов («Горняцкая слава всех степеней») и других заслуженных работников



ЗУСа. Также необходимо, конечно, с удовлетворением и надеждой сказать добрые слова в адрес представителей молодого поколения. Это Шахзод Нуриллаев, Суннатилла Нурмаматов, Шахбоз Низомиддинов, Ахат Истамов

и многие другие.

А руководит сегодня этим мощным строительным предприятием выпускник Навоийского государственного горного института и Ташкентского государственного технического университета, имеющий большой стаж работы в системе НГМК, грамотный и целее устремленный специалист Отабек Хамитович Хасанов. Главный инженер ЗУСа Шухрат Нариманович Аvezов, работающий в ЗУСа с 2005 года и имеющий большой опыт и знания в этой важной отрасли.

Искренне поздравляем весь трудовой коллектив

Зарафшанского управления строительства с профессиональным праздником – Днём строителей.

Желаем всем здоровья, семейного благополучия и больших трудовых свершений.

**З.ИШКУВВАТОВ.**

## Благодарность

### СБЫВШИЕСЯ МЕЧТЫ СЧАСТЛИВОЙ МАТЕРИ

В душе я невольно сравниваю учителя с ярко сияющим солнцем, потому что также как солнце согревает всю природу своими лучами, даёт жизнь всему живому, так и педагог отдаёт своим ученикам всю свою любовь, знания, каждый из его учеников становится для него родным ребёнком, дальнейшая жизнь и будущее которого становится частичей его жизни.

Кажется только вчера мой сын Умиджон Бафоев пришёл в 1-й класс специализированной общеобразовательной школы с углубленным изучением иностранных языков, к классному руководителю Нозиме Нуриддиновне Хамраевой.

Вроде бы быстро и незаметно пролетели 11 лет учёбы. Но именно эти годы учёбы моего сына в СО-ШУИИЯ №1 дали мне воз-

можность понять роль и значение благородной деятельности всех педагогов в деле становления наших детей как личностей, определения их будущего.

Помню, 15 марта текущего в школе №1 состоялось собрание с участием 131 учащихся 6-11-х классов и их родителей, на котором состоялось вручение Сертификатов Южно-Уральского Университета победителям первого тура многопрофильной инженерной олимпиады «Звезда». Среди них к моей великой гордости был и мой сын.

А до этого, т.е. 18 декабря 2023 года в наш город прибыли руководитель департамента по стратегической работе с абитуриентами Южно-Уральского Университета, заместитель председателя приёмной комиссии, координатор многопро-

фильной инженерной олимпиады «Звезда» Юлия Олеговна Болотина



и начальник отдела организации приёма на работу того же университета Светлана Анатольевна Герасимова. Они с согласия городского отдела школьного и дошкольного образования на базе школа №1 провели первый тур многопрофильной инженерной олимпиады «Звезда» по направлениям «Техника и технология» и «Есте-

ственные предметы» для 600 учеников 6-11-х классов всех школ Зарафша-

на. По итогам олимпиады 94 ученика были признаны победителями, им были вручены Сертификаты вышеназванного университета.

11-х классов набрали в первом туре необходимые баллы и участвовали во втором туре олимпиады 15 марта 2024 года. Письменные работы учеников для проверки были на-

правлены в Университет и через 3 недели поступили ответы. 13 учеников 11-х классов нашей школы, победивших в олимпиаде стали досрочно студентами Университета на грантовой основе.

В этом более чем успешном участии в олимпиаде моего сына и других учеников 11-класса, несомненно, большая заслуга преподавателей, администрации школы во главе с директором Зоей Анатольевной Бахрановой.

Пользуясь случаем, от имени всех родителей учеников, досрочно поступивших в Южно-Уральского Университет Российской Федерации, выражаю слова огромной благодарности педагогическому составу, администрации школы №1 за добросовестное, на высоком профессиональном уровне обучение и правильное воспитание наших детей.

**От имени родителей учеников Ойша АМОНОВА.**



Дошкольное образование

## ЗАКАЛЯТЬ ДЕТЕЙ – ВАЖНАЯ РОЛЬ ДОО

В соответствии с приказом Министерства

игры. На тему «Волшебные свойства воды» провели



дошкольного и школьного образования Республики Узбекистан №52 от 28.04.2024 г. «Об организации летнего оздоровительного сезона в дошкольных образовательных организациях» в детской дошкольной организации №11 под названием «Ақлвой» 24 июля текущего года состоялся городской семинар под лозунгом «Ёз ўтмоқда соз», в работе которого приняли участие руководители ДОО, методисты и воспитатели.

Своими гимнастическими выступлениями открыли семинар девочки-спортсменки. Воспитательница ДОО №11 Дилнора Хамидова провела вместе с воспитанниками младших групп дидактические игры на тему «Подводный мир», оздоровительные и другие

занятия с детьми дежурные воспитатели Шахзода Азимова и Вазира Шарипова, они разъяснили детям полезные свойства и другие сведения о воде. Другая воспитательница Норхолой Хайитова со своими воспитанниками продемонстрировала для гостей театрализованную сценку на тему «Давайте беречь воду!». Под руководством спортивного инструктора Дилфузы Юсуповой среди двух команд детей были проведены несколько видов соревнований под девизом «Закаляемся и не боимся». После этого с музыкальной паузой выступили с задорными танцами воспитанницы музыкального руководителя Севары Мардоновой. Психолог ДОО Шахноза Каршева провела с детьми

психологический тренинг, подключив к нему и участников семинара. Это был очень завораживающий, увлекательный процесс. Затем воспитательница Мунира Облокулова дала детишкам разъяснения о правилах дорожного движения, переходе пешеходной дорожки и при загорании светофора. После чего детишки под руководством воспитателя Зилолы Насуллаевой провели зажигательные игры «Солнце, воздух и вода – наши луч-



шие друзья» с демонстрацией прыжков на батуте. В ходе семинара воспитатель Мохимжон Холмуродов показал участникам мероприятия вместе с воспитанниками средних групп формы и методы закаливания, проведения зарядки поле сна.

В заключение семинара его участники высказали своё мнение, свои пред-

ложения работе семинара. Руководители и методисты городских ДОО в своих комментариях дали высокую оценку подготовке и проведению этого важного и полезного мероприятия, его роли в вопросе повышения уровня знаний, методических навыков работников ДОО, необходимости обмена опытом среди сотрудников в деле полноценного, качественного обучения и воспитания подрастающего поколения.

Методист городского отдела дошкольного и школьного образования Г. Низамова обобщила высказывания участников,

отметила высокий уровень работы семинара, нетрадиционную форму проведения тренингов, других занятий, проведённых работниками и воспитанниками ДОО №11.

**Гузал БАРНОЕВА,**  
Методист дошкольной образовательной организации №11 г.Зарафшан.

средство против бешенства – это прививки. В некоторых случаях, если через 10 дней после укуса укусившая собака будет жива и здорова, прививки прекращаются.

Бешенство считается зоонозной инфекционной болезнью и основными мерами против неё являются ветеринарно-коммунальные меры профилактики по уничтожению источников болезни.

В 90% случаях источником бешенства являются собаки. Поэтому для предотвращения бешенства необходимо вести профилактику болезни среди собак, уничтожать источники болезни. Не допускайте контактов с бродячими собаками и кошками, ставить на учёт ветеринарной службы домашних животных, подвергать их постоянному ветосмотру, вовремя делать им прививки против бешенства. Постра-

давшие от укусов животных обязательно должны вовремя обратиться к врагам, сделать соответствующую антирабическую прививку, принять все необходимые профилактические меры, это очень важно.

Статистика заболеваний бешенством показывает, что в 80-85 процентах заболеваний причиной служит нарушение правил содержания домашних животных (собак и кошек). В 50 процентах случаях люди заболевают потому что пострадавшие не обращаются за антирабической помощью.

Главное, будьте всегда осторожны, выполняйте все установленные правила содержания домашних животных, это залог вашей спокойной, здоровой жизни.

**Л. РАВШАНОВА,**  
помощник врача-эпидемиолога Зарафшанского отдела СЭБ и ОО

Охрана здоровья

## БЕРЕГИТЕ СЕБЯ ОТ БЕШЕНЫХ ЖИВОТНЫХ

Общеизвестно, что одной из самых опасных для жизни и здоровья людей болезней считается бешенство. –Это вирусное заболевание, возникающее после укусов домашних или одичавших животных, заболевших бешенством. Носителями болезни в основном являются собаки и кошки, а также лисы, волки, крупный рогатый скот, мыши и др.

Вирусы этой болезни оказывают опасное воздействие на первую систему человека. При несвоевременном лечении её исход может быть тяжёлым, даже есть случаи смерти пострадавших.

Чтобы заразиться этой болезнью необязательно, чтобы человека укусили

собака, кошка или другие животные. Их слюна, попавшая на кожу человека, тоже может быть причиной заболевания. Бешенство чаще распространяется летом и осенью.

Что надо делать при укусе бешеного животного?

В первую очередь, в течение 10-15 минут обмыть рану сточной водой и мылом, желательным хозяйственным. Также необходимо обмыть место вокруг ранки, потому что туда могла попасть слюна животного.

Затем срочно обратиться в соответствующее медицинское учреждение, ветеринарную службу, показать им укусившее вас животное. Единственное



ЎТИМОЙИ-СИЙОСИЙ ГАЗЕТА

MUASSIS:

Navoiy viloyati Zarafshon shahar hokimligi

BOSH MUHARRIR:

BOBOMURODOVA Gulshanda Ro'zimurodovna

NAVBATCHI:

XAMRAYEVA Shaxnoza Shamsitdinovna

TAHRIRIYAT MANZILI:

210300. Zarafshon shahri, "Marvarid" ko'chasi 1, 403-xona.

TAHRIRIYAT TELEFON RAQAMLARI:

Muxbirlar: (79) 573-14-20  
Hisobxona: (79) 573-04-34

MAKTUBLAR UCHUN:

A/я №77  
"Oltin vodiy" gazetasi tahririyatiga.  
Qo'lyozmalar mualliflarga qaytarilmaydi, yozma javob qilinmaydi.

dolina\_zar@umail.uz

"Oltin vodiy" gazetasi tahririyatida sahifalandi.  
"Qizilqum Zar Media" MCHJda ofset usulida bosildi.

Qog'oz bichimi: A-3  
Adadi: 4800  
Buyurtma № 35  
Indeks: 34999

BOSMAXONA MANZILI:

Zarafshon shahri, Sanoat hududi.

Sotuvda erkin narxda

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20:00  
Topshirildi: 19:00

Gazeta bir oyda uch marotaba chiqadi.

Gazeta o'z vaqtida kelmasa (93) 436-09-06 telefon raqamiga murojaat etishingiz mumkin.

"OLTIN VODIY" gazetasi tahririyati DUK Navoiy viloyat Davlat xizmatlari markazi tomonidan 28.10.2022 yil 36 raqami bilan qayta ro'yxatdan o'tgan.

ISSN 2010-8540



9 772010 854003





Репродуктив саломатлик

Nazm bo'stonidan

## БАЛОҒАТ ОСТОНАСИДАГИ ЎЙЛАР



гик, физиологик етуклиги борасида туб ўзгаришлар амалга ошади. Бу даврда гипофиз безининг вазифалари фаоллашади. Унинг олд қисмидан ажралиб чиқадиган гармон организм тўқималарининг ўсиши ва бошқа муҳим ички секреция безлари (қалқонсимон без, буйрак усти ва жинсий безлар) ишлашни кучайтиради. Жисмоний ривожланиш ва жинсий етилишнинг акселерациялашуви кузатилаётган ҳозирги вақтда айрим қизлар 9-10 ёшда, ўғил болалар эса 11-12 ёшларида жинсий балоғатга етишнинг бошланиш босқичида бўлиши мумкин. Қалқонсимон без ва жинсий безлар ажратиб чиқарадиган гормонлар организмда модда алмашилишининг катализатори вазифасини бажаради. Шунинг учун ақлий ёки жисмоний ортиқча толиқиш, узоқ муддатли асабий зўриқиш, аффектлар, кучли салбий ҳиссиётлар (кўрқиш, ғазаб, хафагарчилик) эндокрин бузилишларга (менструал циклни вақтинча бузилишига) ва нерв системаси вазифасининг бузилишига сабаб бўлиши мумкин. Жинсий ривожланишнинг тезлашиши ва жинсий балоғатга етиш даври жинсий балоғатга етиш даври жинсий балоғатга етиш даври деб аталади ва қиз бола-

ларнинг жинсий балоғатга етишиши ўғил болаларга қараганда 1-2 йил илгариллаб кетади. Ноқулай маиший шароитлар, етарлича ва тўғри овқатланмаслик, уларда зарур витаминларнинг етишмаслиги, оғир ёки қайталанувчан хасталиклар жинсий балоғатга етиш даврини кечиктириб юбориши мумкин. “Улғайиш даври” (жинсий улғайиш) – ҳаётий кўникмалар орттириш давридир. Бу ўзгаришлар ўсмирларнинг нерв тизимига таъсир ўтказмай қолмайди. Ўсмирнинг руҳий жиҳатлари эса унинг шахс сифатида улғайишига замин яратади. Буюк аждодимиз Абу Али ибн Сино “Болалар тарбияси” асарида айтиб ўтганидек: “ҳар қандай шароитда ҳам болани қаттиқ уришиш, айниқса жазолаш, уриш мумкин эмас”. Оилада ўсмир ёшдаги фарзанди бор ҳар бир ота-она, фарзандида кузатилаётган турли ўзгаришлар тўғрисида кенг билим малака эга бўлиш, нафақат оилада балки жамиятда ҳам рўй бериши мумкин бўлган турли салбий оқибатларнинг олди олинган бўлар эди.

**Муазам БОЗОРОВА,**  
РПО ва БСИАТМНВФ  
Репродуктив саломатлик  
ва ёрдамчи репродуктив  
технологиялар бўлими  
акушер гинекологи.

## SALMONELLYOZ NIMA?

Salmonellyoz — bu salmonella avlodiga mansub bakteriyalar tomonidan keltirib chiqariladigan, fekal-oral mexanizm bilan yuqadigan, asosan oshqozon-ichak traktining zararlanishi bilan kechadigan o'tkir yuqumli kasallik hisoblanadi. Kasallikning kechish tabiati har bir holatda farq qilib, alo-matlarsiz shikastlanishdan to toksik va degidratatsion shok darajasigacha boradi. Patogenlar organizmga asosan ifloslangan yoki noto'g'ri qayta ishlangan oziq-ovqat mahsulotlari iste'moli natijasida kiradi. Kasallikning epidemiologik xavfi issiq fasllarda kuchayadi: bahor va yoz faslining oxirlari patogenning faol tarqalishi uchun eng qulay vaqt hisoblanadi. Kasallik yuqishi hayvonlarni parvarishlash,

go'shtni qayta ishlash zavodlarida so'yish jarayonida, shuningdek, tirikligida yoki o'limdan keyin infeksiyalangan hayvon go'shtini iste'mol qilishda uchraydi. Sut va sut mahsulotlari ham tovuq tuxumi infeksiya manbai sanaladi. Salmonellalar bilan ifloslangan go'sht va sut mahsulotlarini, baliq, tuxum va boshqa mahsulotlarni iste'mol qilish oqibatida kasallik odamlarga yuqadi. Salmonellyoz bilan og'rigan bemor va bakteriya tashib yuruvchi odam ham infeksiya manbai bo'lib hisoblanadi. Salmonellyoz muloqot yo'li bilan ham yuqishi mumkin. Bunda u salmonellalar bilan ifloslangan idish-tovoqlar, o'yinchoqlar va boshqa buyumlar orqali yuqadi. Salmonellyozning gastrointestinal shaklida avvalo bemor

me'dasi yaxshilab qayta-qayta yuviladi. Kasallik yengil o'tganda bemorga 4-parhezda ko'zda tutilgan ovqatlar va ko'p miqdorda suyuqlik berish - glyukoza-elektrolit eritmasi (regidron, glyukosan) tayinlanadi (peroral regidratatsiya). Bemor qancha suyuqlik yo'qotgan bo'lsa, shuncha suyuqlik ozgina-ozgina ichiriladi. Salmonellyozning gastrointestinal shakli og'ir intoksikatsiya bilan o'tayotgan holda ham antibiotiklar ishlatiladi. Bunda antibiotiklar 5-6 kun davomida berib boriladi. Tarqoq shakllarida ular 10-12 kun ishlatiladi. Bemorlarga albatta vitaminlar (C, B guruhi, nikotin kislotasi, rutin) beriladi.

**G.XOLOVA,**  
Zarafshon shahar SEO  
va JS bo'limi Sanitariya  
vrach yordamchisi.

## Dadajonim

*Bu yolg'on dunyoda ishonganim siz,  
Agarda qoqilsam, suyanganim siz,  
Minglab muammolar yechimi ham siz,  
Dadajonim, siz borsiz shukr.*

*Esimda yoshligim, sho'x beboshligim,  
Yelkangizga mingan erkatoyligim,  
Kechirib ketgansiz ko'p nodonligim,  
Dadajonim, siz borsiz shukr.*

*Odamlarga qurasiz imoratlar, uy,  
Qalbingiz ezmasin turli-tuman o'y,  
Sizni yaxshi ko'rar qizingiz shu ko'y  
Dadajonim, siz borsiz shukr.*

*Umrini biz uchun baxshida etgan,  
"Farzandim kulgusi-baxtim" deb aytgan,  
Ne-ne sinovlardan sabr-la o'tgan  
Dadajonim, siz borsiz shukr.*

Marg'iyona ABDULLAYEVA.

## O'QISHGA MARHAMAT!

Navoiy viloyati Zarafshon shahar 7-son bolalar musiqa va san'at maktabi 2024-2025-o'quv yili uchun quyidagi yo'nalishlarga o'qishga taklif qiladi.

- FORTEPIANO IJROCHILIGI
- ESTRADA IJROCHILIGI
- XALQ CHOLG'ULARI IJROCHILIGI
- AN'ANAVIY CHOLG'ULAR IJROCHILIGI
- AN'ANAVIY XONANDALIK
- AKADEMIK XONANDALIK
- ESTRADA XONANDALIGI
- XOREOGRAFIYA
- TASVIRIY SAN'AT
- TEATR

Hujjatlar qabul qilish:  
2024-yil 1-avgustdan 24-avgustgacha  
murojaat uchun telefon: (79) 573-16-91.

## HURMATLI CHAQIRILUVCHILAR VA OTA-ONALAR!

Zarafshon shahar Mudofaa ishlari bo'limi O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 9-aprel kunidagi 291-sonli Qarori bilan tasdiqlangan "Chaqiriluvchilarni tanlab olish tartibi to'g'risida"gi Nizomiga asosan 1998-yildan 2007-yilga qadar tug'ilgan chaqiriluvchilarni muddatli (bir yillik) hamda safarbarlik chaqiruvi rezervi xizmatiga (bir oylik) harbiy xizmatga tanlov boshlanganligini ma'lum qiladi. Shu sababli 1998-yildan

2007-yilga qadar tug'ilgan barcha chaqiriluvchilarni pasport va chaqiruv uchastkasida qayd etilganligi to'g'risidagi guvohnomasi bilan Zarafshon shahar Mudofaa ishlari bo'limiga yetib kelishlarini so'raymiz!

Murojaat uchun telefonlar: (79) 210-79-01, (79) 573-81-68, (79) 210-82-15.

Manzil: Zarafshon shahar, 11-kichik tumani, Amur Timur ko'chasi.

**Zarafshon shahar  
Mudofaa ishlari bo'limi,  
chaqiruv bo'linmasi.**

В связи со смертью 9 апреля 2024 года Тимофеевой Валентина Александровны открыто наследственное дело. Претендентов на наследство просят обратиться в зарафшанскую нотариальную контору.

\*\*\*\*\*

14.07.2024 йилда вафот этган Ёвқочев Содиқ Худайбердиевичдан қолган мол-мулкка мерос иши очилганлиги сабабли меросхўрлар Зарафшон шаҳар давлат нотариал идорасига мурожаат этишлари сўралади.